



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Махсудбеков Мунисбек Мардонбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иختисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 216-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15152329>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 4th April 2025

Published: 5th April 2025

KEYWORDS

*Ижтимоий профилактика,
маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзаро
ҳамкорлик, ижтимоий хавфсизлик,
жамият ривож.*

ABSTRACT

*Мақолада ижтимоий
профилактикани ташкил этишда маҳаллий
давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро
ҳамкорликни такомиллаштиришнинг
аҳамияти ва усуллари ёритилади.
Ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш,
фуқароларнинг ижтимоий хавфсизлигини
таъминлаш ва жамият ривожига
йўналтирилган чора-тадбирларни самарали
амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият
билан ишлаб чиқарувчи ташаббускорликнинг
ўзаро таъсири таҳлил қилинади.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалланинг аҳоли ва давлат органлари ўртасида ишончли «кўприк» бўлишини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойида аниқлаб, комплекс ёндашув асосида ҳал этиш механизмларини жорий этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони қабул қилинган эди. Ушбу Фармонга мувофиқ мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда.

Ушбу Фармонга мувофиқ 2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш Стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегиянинг 77 бандида «Ижтимоий профилактика», «пробацион профилактика», «тергов профилактикаси», «суд профилактикаси»ни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари сифатида жорий этиш ва уларни қўллашнинг аниқ механизмларини белгилаш ҳамда 78 бандида Мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш, нотинч оилалар ҳамда оилавий зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий профилактика тадбирларини янгича ёндашув — «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими асосида амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонида мувофиқ 2024 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»²ги 801-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ:

ижтимоий профилактикани амалга оширишнинг аниқ механизмларини белгилаш назарда тутилганлиги;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишни рақамлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан «E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими жорий этилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони³ билан маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилиши маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш (кейинги ўринларда — ижтимоий профилактика тадбирлари) бўйича давлат органлари ва ташкилотлари билан электрон

² 2024 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 801-сонли қарори

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони

ахборот алмашиш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланди.

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар доираси ва ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш, уларга доир маълумотларни «маҳалла еттилиги», шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга қўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда тақдим этиш тартиби;

«маҳалла еттилиги» ҳамда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга қўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби;

«маҳалла еттилиги» ҳамда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга қўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини яқунлаш тартиби.

Шу билан бирга иЎзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

а) бир ой муддатда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий профилактика тадбирлари бўйича ягона ҳисобот шаклини тасдиқлаш;

б) икки ой муддатда:

маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларининг тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида «маҳалла еттилиги»га ҳамда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга қўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига «E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

- «E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизимини Маҳалланинг ягона платформаси билан интеграция қилган ҳолда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини тўлиқ йўлга қўйиш топширилди.

- Ҳужжат билан “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом қабул қилинди ушбу низомга мувофиқ Ушбу Низом «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилайди.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим;

ижтимоий профилактика тадбирлари — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — меҳнат органи ходими, тиббиёт ходими, мактаб директори ва мактаб психологи, инспектор-психолог, шунингдек, ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларнинг мурожаатига асосан жалб этиладиган туман (шаҳар) даражасидаги тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари;

ижтимоий профилактика объектлари — ўзига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг ижтимоий муаммолари;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар — ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар;

ижтимоий мослаштириш дастури — ижтимоий профилактика объектларига нисбатан ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар томонидан ижтимоий профилактика жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар.

• Низом “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори, шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилайди.

• Ижтимоий профилактика тадбирлари қуйидаги шахсларга нисбатан амалга оширилади:

- ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар;
- банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз шахслар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;
- қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга ружу қўйган шахслар;
- ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар;
- қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганлар;
- ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчилари;
- давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшлар;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар;
- ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;
- ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган шахслар;
- оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар;
- тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган шахслар;
- парваришга муҳтож ёлғиз кексалар;
- ногиронлиги бўлган ва оғир касалликка чалинган шахслар.

Ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ахборот алмашинуви “Э-ижтимоий профилактика” электрон тизими орқали амалга оширилади. Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 30-ноябрдан кучга кирди.

Ижтимоий профилактика объектларини аниқлаш ва уларга доир маълумотларни ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга тақдим этиш тартиби белгиланди.

Унга кўра:

Профилактика инспектори томонидан ижтимоий профилактика объектлари қуйидагилар асосида аниқланади:

аҳолини «хонадонбай» ўрганиш;

маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар берган маълумотлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномаси;

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ва ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар томонидан тақдим этилган маълумотлар;

оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан берилган бошқа маълумотлар.

Ижтимоий профилактика объектлари бўйича амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирлари бўйича профилактика инспектори томонидан ахборот тизимида хулоса тайёрланади.

Хулосада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар билан ўтказилган профилактик суҳбатлар;

ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий профилактика объектлари;

ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан олинган ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар ва уларнинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар.

Профилактика инспекторининг ўзи томонидан ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахслар бўйича хулоса расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорга муофиқ, сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилганлиги, шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлаётганлиги таъкидланди.

Бунда шундай тартиб ўрнатилиши белгиландики, унга мувофиқ:

масъул раҳбарлар зиммасига ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш намунасини яратиш, ҳудудий «йўл хариталари»нинг тўлақонли ижро этилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича қатъий шахсий жавобгарлик юкланди;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон Қарори

масъул раҳбарларнинг криминоген вазият оғир маҳаллаларда эришилган натижалари уларнинг фаолиятини баҳолашда инobatга олиниб, ҳар ой якунида — ички ишлар вазири ҳузурида, ҳар чорак якунида — Бош прокурор ҳузурида, ҳар ярим йилда Бош вазир ҳузурида тегишли республика раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилинади, ҳар бир маҳалла кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилади ҳамда рағбатлантириш ёки интизомий жазо чоралари белгиланади. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратуранинг қуйидаги таклифлари маъқулланди:

а) вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида хизмат олиб боровчи ички ишлар органлари профилактика кичик инспектори лавозимини киритиш ҳамда унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни юклаш: меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар, мактаб битирувчилари ҳамда талабалар билан ижтимоий профилактика чоралари доирасида манзилли ишларни амалга ошириш;

Ижтимоий профилактика соҳасида ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш сифатида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

Биринчи. Маҳаллий давлат идоралари ва ННТлар ўртасидаги алоқаларни кучлантириш;

Иккинчи. Ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

Учинчи. Фуқароларнинг иштирокини ошириш учун янги коммуникация воситаларини жорий этиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий профилактиканинг самарадорлиги маҳаллий ҳокимият органларининг фаоллиги ва фуқаролар билан ўзаро ишлаш даражасига боғлиқ. Бунинг учун янги йўналишларни ишлаб чиқиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жамиятнинг барча қатламларини жалб этиш муҳимдир.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони.
7. 2024 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 801-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими

самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.

9. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам. "ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences 4.4 (2024): 33-41.

